

Минтақавий доирадаги ҳамкорлик

Табиат талаби жамият эҳтиёжи демакдир. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф мұхиттінг тозалиғи ва экология масалалари глобал мұаммо сифатида дунё ахолисининг дикқат марказида турғаны рост. Бу масаланинг ечими халқаро ҳамкорликнинг түғри йўлга қўйилиши билан бевосита боғлиқ. Минтақавий доирада олиб бориладиган ўзаро бирдамлик алоқалари ҳамжиҳатликка қурилса, нур устига нур. Бунинг таълимий кўриниши эса ҳар қачонгидан ҳам мұхим.

2018 йил 16 ноябр куни институтимизга Европа Иттифоқи комиссияси эксперталари К. Ле Дюк, Х. Абдул Расул, К. Шалаевалар ташриф буюрдилар. Мазкур учрашувда институт ректори и.д.ф., проф. У.Умурзаков, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор т.ф.д Т.Султанов, “Экология ва сув ресурсларидан фойдаланиш” кафедраси мудири проф. А. Салоҳиддинов, ЭкоГАТ маркази раҳбари проф. А. Пулатов ва Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи И. Абдураҳмановлар иштирок этишди.

Ташрифдан кўзланган асосий мақсад Афғонистон давлати билан минтақавий доирада ҳамкорликни йўлга қўйиш, Европа Иттифоқи лойиҳаси доирасида Афғон аёлларини қишлоқ хўжалиги секторида фаолият юритишлари учун уларни ТИҚҲММИда янги инновацион методлар орқали магистратура мутахассислигига таҳсил олишларини йўлга қўйиш ва уни механизмини ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Учрашув давомида меҳмонлар институтимизда талабалар учун яратилган шароитлар, ўқув лабораториялари ҳамда ахборот ресурс маркази билан танишдилар. Учрашув сўнгидаги меҳмонларга институт раҳбарияти томонидан эсдалик совғалари тақдим қилинди.



Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи И.Абдураҳманов

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов